

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Сурובה Райҳона Зокиржоновна  
Наманган давлат университети  
Сиёсий институтлар, жараёнлар ва  
технологиялар ихтисослиги таянч докторанти.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7186002>

Аннотация: Ушбу мақолада жамоатчилик назорати, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг фаолияти, жамоатчилик назоратини демократик жамиятни ривожлантиришда ўрни ёритилган.

Калит сўзлар: Конституция, демократия, ҳуқуқий норма, қонун, фуқаролик жамияти, сайлов тизими, жамоатчилик назорати.

Annotation: This article describes public control, the activities of non-governmental organizations, the role of public control in the development of a democratic society.

Keywords: Constitution, democracy, legal norm, law, civil society, electoral system, public control.

Аннотация: В данной статье описывается общественный контроль, деятельность неправительственных организаций, роль общественного контроля в развитии демократического общества.

Ключевые слова: Конституция, демократия, правовая норма, право, гражданское общество, избирательная система, общественный контроль.

Юртимиз тараққиётнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” ғояси йўлидан дадил бормоқда. Мазкур ғояни амалга оширишда жамоатчилик назоратининг ўрни беқиёсдир. Хўш, жамоатчилик назоратининг мақсади нима? Ушбу соҳадаги хориж тажрибасини биламизми?

Жамоатчилик назорати бу халқнинг сиёсий ҳокимият устидан том маънодаги назорати ҳисобланади. Халқ назорати қанча кучли бўлса, жамият муаммоларига ҳам тез ечим топилади. Яъни жамоатчилик назорати жамият ҳаётидаги энг долзарб муаммоларни, халқни ўйлантираётган, ташвишга солаётган камчиликларни ҳал этишда, давлат ҳокимияти органларининг самарали фаолият юритишини таъминлашда муҳим роль уйнайди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий

механизмлари яратилмаган. Бу эса, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолашга халақит бермоқда” [1] дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, юртимизда жамоатчилик назорати институти узоқ тарихий илдизларга эга. У асрлар давомида оқсоқоллар Кенгаши кўринишида намоён бўлиб келган. Тарихдан бу институт уруш ва тинчлик масалалари, низоларни шарқона оғир-босиқлик билан ҳал қилиш учун ташкил топган. Кейинчалик Кенгашлар маҳаллаларда ҳашар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ёрдамга муҳтожларнинг муаммоларини биргаликда ҳал этиш, ўзини ва ўзгаларга эътиборли бўлиш, фарзандлар тарбиясига лоқайд бўлмаслик ва бошқа жамоат ишлари билан ҳам шуғулланадиган жамоатчилик тузилмаси ҳисобланган. Бу борада буюк аллома Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида ҳам ҳукмдорларнинг аҳоли олдида ҳисоб бериб туришлари ва уларнинг қонунларга сўзсиз буйсунишлари зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Бундай ёндашувлар бизга мерос бўлиб, ўзининг амалий натижаларни бермоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган шаффофликка асосланган янги ислохотлар самараси туфайли жамиятимизда жамоатчилик назоратининг таъсир доираси ҳам сезиларли равишда кучаймоқда. “Жамоатчилик назорати тўғрисида” ги қонун, “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, шуингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар йиғинининг “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш ҳақида”ги ҳамда “Ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бундан кўзланган мақсад фуқаро – жамоат ташкилотлари – давлат бирлигини мустаҳкамлаш орқали халқнинг ҳокимиятдан, ҳокимиятнинг халқдан узоқлашишининг олдини олишдир.[2]

Ўзбекистонда амалга оширилаётган прагматик сиёсат, очиқ-ошкора ва шаффофликка асосланган янги босқичдаги ислохотлар самараси ўлароқ, бугун жамоатчилик назоратининг ҳам таъсир доираси сезиларли равишда ортди. Жумладан, халқ манфаатларини кўзлаб қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий

хужжатлар, энг аввало, умумхалқ муҳокамасидан ва жамоатчилик экспертизасидан ўтказилаётгани, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва уларнинг раҳбар-мутасаддилари ишига муносабатлар билдирилаётгани натижасида кўплаб камчилик ва муаммолар, қонунбузилиш ҳолатларига чек қўйилмоқда.

Бу борада АҚШ тажрибасида жамоатчилик назорати ғояси узоқ тарихга эга. АҚШнинг 4-Президенти Жеймс Медисоннинг “Federalist” газетасида чоп этилган фикрига кўра: “Республикачи”ларнинг озодлик руҳияти, шубҳасиз, нафақат бутун ҳокимият халқдан чиқиши, балки халқ ишонч билдирган ҳокимиятлар ҳам халққа боғлиқ бўлиб қолиши керак...”. Бугунги кунга қадар бу ғоялар, яъни ҳокимият органларининг халққа ҳисобот бериши АҚШда сиёсий анъана сифатида қабул қилинган ҳамда бу борада ўзига хос бой тажриба тўпланган.

АҚШда жамоатчилик назорати икки йўл билан амалга оширилади. Биринчиси – фуқароларнинг хоҳиш-истакларини тўғридан-тўғри ифодалаш бўлса, иккинчиси – халқ томонидан сайланган вакиллар амалга оширади. Эътиборли жиҳати шундаки, иккала назорат усулининг бири-биридан устуворлиги ҳақида гапириш ўринсиз, улар биргаликда бир мақсадга хизмат қилади. Масалан, тўғридан-тўғри жамоатчилик назорати фуқароларнинг ҳокимият фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумот олишлари, журналистик текширувлар, фуқаролар йиғилишлари, жамоат тингловлари орқали жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш, қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспертизаси ва ҳоказо усуллар ёрдамида амалга оширилса, иккинчи вакиллик усулида парламент назорати, ҳуқуқий қонун чиқарувчи, маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг назорати орқали амалга оширилади.[3]

АҚШда фуқароларнинг турли хил фикр ва ғояларини тўплашга эмас, балки фуқароларга маълум бир муаммоларни аниқ етказиб, уни шу соҳанинг етук мутахассисларини таклиф қилган ҳолда ечимини ҳал қилиш ҳисобланади. Бу услуб нафақат юқори даражали натижаларга эришишга, балки бутун жамиятни бир мақсад йўлида бирлаштиришга ҳам хизмат қилади. Одамлар ҳукумат ҳал қила олмаган баъзи муаммолар ечимида уларнинг ҳам ҳиссаси ва ўрни борлигига ишонч ҳосил қилишади.

Жамиятда жамоатчилик назоратининг мавжудлиги сиёсий ҳокимиятнинг том маънода халқ қўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади. Дарҳақиқат, янги Ўзбекистон ҳаётига доир ҳар бир қарор халқ билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилинмоқда. Ҳозир “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга

хизмат қилиши керак” деган ғоя натижалари фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Бизга маълумки, ҳар бир киши жамиятда яшар экан, мавжуд қоидалар ва қадриятларга бўйсунуш, меъёрларга амал қилишга мажбур. Айнан ана шу меъёрларнинг амал қилиши учун жамоатчилик назорати зарур, бу ижтимоийлашувни келтириб чиқариб, ижтимоий муносабатларни уйғунлаштиради ва жамиятда бирликни юзага келтиришга хизмат қилади. Жамиятда меъёрларнинг амал қилиши унинг аъзолари томонидан қабул қилинганлигини англатади. Уларга амал қилмаганларни жамоатчилик назорати аниқлайди ва тартибга чақиради.

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтларининг жамият манфаатлари йўлида давлатга таъсир кўрсатишнинг тамойиллари ва механизмлари мажмуини ифодалайди. Француз олими А.де Токвиль (Alexis De Tocqueville) таъкидлаганидек, “давлат фуқароларнинг бирлашиш ҳуқуқини тан олиши билан, улар бундан фойдаланишади. Бирлашиш кўп сонли индивидуумларнинг у ёки бу мақсад бўйича оммавий норозиликлар жараёнида пайдо бўлади. Қолаверса, бирлашиш ҳуқуқи мустақил матбуот эркинлиги билан аралшиб кетган, аммо, бирлашиш матбуотга қараганда катта кучга эга. [4]

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Жамоатчилик назорати бўлмаган ёки жамоатчилик назорати етарли даражада кучга эга бўлмаган жамиятда тўлақонли фуқаролик жамиятининг шаклланишини тасаввур қилиш қийин.

Мамлакатимизда 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартишлар натижасида жамоатчилик назоратига конституциявий мақом берилди. Конституциянинг 32-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади. Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади”. [5]

2018 йил 13 апрель куни “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. [6]

Ушбу қонун доирасида жамиятда муайян ишлар амалга оширилди. Аммо, жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ вазиятнинг мураккаблиги шундаки, фуқаролик жамияти институтлари бир томондан давлатнинг мададига эҳтиёж сезишади, иккинчи томондан, улар ўзларига мадад бераётган ҳокимият органларининг фаолиятини назорат қилишларига тўғри келади. Шу боисдан, қонунда жамоатчилик назорати фақатгина давлат органлари фаолияти устидан назорат сифатида қаралганлиги боис унинг ривожланиши ва Қонуннинг ишлаш натижадорлиги етарли даражада бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган маърузасида Жамоатчилик назорати тушунчаси борасида шундай таъкидлади: “Шуни аниқ тушуниб олиш лозимки, жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилиши зарур. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик назоратида бўлиши даркор”. [7]

Жамоатчилик назорати мамлакатимизда узоқ тарихий илдизларга эга.

Чунончи, у азал-азалдан оқсоқоллар Кенгаши кўринишларида намоён бўлиб келган. Бу Кенгашлар маҳаллалардаги ободонлаштириш, одамлар муаммоларини ҳал этиш, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш, огоҳ бўлиш, фарзандлар тарбиясига бефарқ бўлмаслик ва бошқа жамоат ишлари билан шуғулланадиган жамоатчилик тузилмаси ҳисобланган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг «Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси» номли фундаментал китобида мамлакатнинг ижтимоий ва давлат тараққиёти парадигмасини тубдан ўзгартиришга, ҳокимият органлари фаолиятини янги «инсон - жамият - давлат» тамойили асосида ташкил этишга урғу беради.

2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг иккинчи бўлими “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига

айлантириш” деб номланиб, ушбу бўлимдаги ўн еттинчи мақсад ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтиришни назарда тутди.[8]

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. 53-бет.
2. Усарова Ф. Жамоатчилик назорати: тарихи, замонавий қарашлар ва ёндашувлар. [https://uza.uz/uz/posts/jamoatchilik-nazorati-tarixi-zamonaviy-qarashlar-va-yondashuvlar\\_391305](https://uza.uz/uz/posts/jamoatchilik-nazorati-tarixi-zamonaviy-qarashlar-va-yondashuvlar_391305)
3. Усарова Ф. Жамоатчилик назорати: тарихи, замонавий қарашлар ва ёндашувлар. [https://uza.uz/uz/posts/jamoatchilik-nazorati-tarixi-zamonaviy-qarashlar-va-yondashuvlar\\_391305](https://uza.uz/uz/posts/jamoatchilik-nazorati-tarixi-zamonaviy-qarashlar-va-yondashuvlar_391305)
4. Токвиль А. Демократия в Америке / А.Токвиль; пер. с фр.; предисл. Г. Дж. Ласки. – М.: Прогресс, 1992. – 554 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2019. 32 модда.
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон
7. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. [uza.uz/uz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019](https://uza.uz/uz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>